

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 8

68-3-43-ХТ/2022-сон

Арнасой тумани.

Арнасой тумани Халк Тылими Булими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи мудири: М.Низамов ва "Jahon Kamol Texno Servis" М.Ч.Ж. кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари К.Тўхтамишовлар мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

1.Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг

1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул килиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жиззах вилояти Арнасой тумани «Чинобод» МФЙ даги № 12-умумтаълим мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш.

1.3 Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 5 кун ичida амалга оширади, колган 70% ни бажарилган ишлар тугрисидагидалолатнома имзолагандан сунг 5 банк иш кун ичida қабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б асосида тулайди.

1.4 Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и микдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

2.2 Мазкур шартнома Фазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнida шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриклиш бўйича зарурй чоратадибайларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуидаги ҳуқукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини қўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги хукуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **275 025 344.00** (икки юз етмиш беш миллион йигирма беш минг уч юз кирқ тўрт) сўмни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ кўлланади.

5.4 Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўйлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иктисодий суд томонидан қўриб чиқишига топшириладилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгаришилар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заرارларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулади.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади

9. коррупсияга қарши талаблар

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларида Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлади.

9.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

10. Якуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгаришиш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова:Тулов жадвали,Танлов баёни,Юрист хulosаси,Смета ва экспертиза хulosаси.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

"Jahon Kamol Texno Servis" М.Ч.Ж.

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Фаллаорол т.

20208000505374644001.

Банк: "АгроДжонсон" Фаллаорол

ИИН: 308387937.

МФО: 00128.

ИФУТ: 61110.



Рахбар

.К.Тўхтамишев

Арнасой тумани ҳалқ таълими булими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Арнасой тумани

ш/х* 100022860082017092100075031

МФО: 00014. СТИР 200331588

ИФУТ: 97600.

Банк номи: Тошкент ш. Марказий банк Бош
Бошқармаси

Ғазначилик бўлинмаси номи

Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна хисоб вараги

Ғазна х/в: 23402000300100001010.

МФО: 00014.

ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919.

Рахбар: М.Низомов.



**Арнасой тумани халқ таълими
YURIDIK AHAMIYATGA EGÀ HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA
FK24203388**

1.Loyihaning turi – shartnoma.

2.Loyihaning nomi – Baxosi 275 025.344 (ikki yuz yetmish besh million yigirma besh ming uch yuz qirq to‘rt) so‘mlik Arnasoy tumani «Chinobod» MFY dagi № 12-umumta’lim məktəbni joriy ta’mirlash ishlarini bajarish pudrat shartnomasi.

“Pudratchi” - "Jahon Kamol Texno Servis" M.Ch.J. nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi korxona rahbari K.To‘xtamishov.

“Buyurtmachi” – Arnasoy tuman xalq ta‘limi bo‘limi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi bo‘lim mudiri M.Nizomov.


3.Loiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – “Arnasoy tuman xalq ta‘limi bo‘limi” 2022 yil 16 avgust.

4.Loiha bo‘yicha taklif va e’tirozlar:

Loiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Arnasoy tuman yuridik
xizmat ko‘rsatish markazi
16.08.2022 yil





Арнасой туман халқ таълими бўлниминига қарашли “Чинобод” МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажаришни 12-сонли умумтаълим мактабини

2022 йил “16”

август

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 34

Арнасой туман

Қатнашилар:

Х.Болмонов

- Арнасой туман халқ таълими бўлними бошлиқ уринбосари баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

Б.Эшонкулов

- Арнасой ХТБ бўлними кадрлар бўлними бошлиғи, комиссия котиби.

Қ.Низомов

- Арнасой ХТБ бўлними харидлар бўйича мутахасис, комиссия аъзоси

Ш.Бегимов

- Арнасой ХТБ бўлними бош хисобчи ўринбосари, комиссия аъзоси

Ж.Пардаев

- Арнасой ХТБ бўлними бўлим боўлиги, комиссия аъзоси

Ш.Синдаров

- Арнасой ХТБ бўлними мутахассиси, комиссия аъзоси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:


Кун тартиби:

Арнасой туман халқ таълими бўлниминига қарашли “Чинобод” МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича берилган 03 август 2022-йилдаги 275.025.344 (икки юз етмиш беш миллион йигирма беш минг уч юз қирқ тўрт) сўмлик, №131203-сонли лотга асосан асосан энг яхши таклифларни танлаш бўйича ўtkазилган танловда, танлов комиссияси аъзолари томонидан ушбу лот бўйича таклифларни берган иш хизматларни бажарувчилар орисидан энг яхши таклиф берган иш хизматларни бажарувчи танлаб олинган холда ғолиб аникланди хамда 2 иш куни мобайнида танлов натижаларига асосан аникланган ғолибга нисбатан рақобатчилар томонидан хеч қандай этироzlар бўлмаганлиги сабабли “Jahon Kamol Texno Servis” МЧЖ билан 275.025.344 (икки юз етмиш беш миллион йигирма беш минг уч юз қирқ тўрт) сўмга “Чинобод” МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича шартнома тузиш кўриб чиқилди.


*** Қарор килади:**

- “Jahon Kamol Texno Servis” МЧЖ томонидан Арнасой туман халқ таълими бўлнимига “Чинобод” МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича рақобатчиларга нисбатан энг яхши таклифларни берганлиги хамда 2 иш куни мобайнида ғолибга нисбатан хеч қандай этироzlар бўлмаганлиги сабабли “Jahon Kamol Texno Servis” МЧЖ билан “Чинобод” МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш иш хизматларини бажариш бўйича шартномаси тузилсин.


Х.Болмонов
(И.Ф.О.)


(Имзо)


Б.Эшонкулов
(И.Ф.О.)


(Имзо)


Қ.Низомов
(И.Ф.О.)


(Имзо)

Ш.Бегимов
(И.Ф.О.)


(Имзо)

Ж.Пардаев
(И.Ф.О.)


(Имзо)

Ш.Синдаров
(И.Ф.О.)


(Имзо)